



«O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI» AKSIYADORLIK JAMIYATI

BUYRUQ

2020 - yil «26» 10

TOSHKENT

№ 798-Н

“Комплаенс-назорат бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 27 июлда коррупция тарқалишининг олдини олишга қаратилган назорат тизимини яратиш бўйича бўлиб ўтган мажлисининг 61-сон баёни билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, республика қонунчилиги, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ички меъёрлари ва стандартларига амал қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш мақсадида, **буюраман:**

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тузилмасида штатлар сони 10 бирликга тенг ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисига бевосита бўйсунувчи Комплаенс-назорат бошқармаси (кейинги матнда - Бошқарма) ташкил қилинсин.

Бошқарма учун “НК” телеграф шифри белгилансин.

2. Бошқарманинг асосий вазифаси - бизнесни профессионал тарзда юритиш стандарт ва меъёрлари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, тахмин қилинаётган коррупцион ва фирибгарлик ҳаракатларига қарши чиқиш, шунингдек ўрнатилган бошқа комплаенс қоидаларга алоқадор масалалар бўйича республика қонунчилиги талаблари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ асосий тамойиллари, сиёсатлари, низомлари ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда бошқарув органи қарорларига амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш деб белгилансин.

3. Комплаенс - назорат тизимини ташкил қилиш масалаларини ҳал этиш бўйича масъул шахс этиб бошқарув раисининг саноат ишлари бўйича ўринбосари в.б. Омонов Х.А. тайинлансин.

4. Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи Наримов Б.Ш.:

Бошқарманинг штатлар жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

мазкур буйруққа мувофиқ ишларни бошқариш дирекциясининг прогноз кўрсаткичларига ўзгартириш киритсин.

5. Бошқарув раисининг ўринбосари в.б. Омонов Х.А. бошқарув раисининг кадрлар тайёрлаш ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари в.б. Турсункулов У.Н. ҳамда персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи в.б. Хамролиев А.И. билан биргаликда Бошқарма бошлиғи ва бошлиғининг ўринбосари лавозимларига номзодлар бўйича таклифлар киритсин.

6. Бошқарма бошлиғи:

икки хафта муддатда Бошқарма фаолияти тўғрисидаги Низом ҳамда Жамият ва унинг идоравий корхона (бўлинма)ларида комплаенс-назоратни амалга ошириш йўналишлари ва механизмини белгилашни кўзда тутувчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда комплаенс-назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисига тасдиқлаш учун киритсин;

персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи в.б. Хамролиев А.И. билан биргаликда Бошқарма штатини малакали кадрлар билан тўлдирсин;

Бошқарма ходимлари учун лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг идоравий корхона (бўлинма)ларида комплаенс-назоратни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

7. Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи в.б. Хамролиев А.И. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув аъзолари ўртасидаги функционал мажбуриятлар тақсимооти ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбар ходимлар номенклатурасига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи Атажанов К.А. мазкур буйруққа мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг янгиланган ташкилий тузилмасини Ягона акциядорга тасдиқлашга киритиш учун керакли ҳужжатларни тайёрласин.

9. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ташкилий тузилмасига кирувчи акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашлари раисларига улар назоратидаги корхоналарда комплаенс-назорат тизимини жорий қилиш тавсия этилсин.

10. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхона (бўлинма)лари раҳбарлари Бошқарма ходимлари томонидан комплаенс-назоратни

амалга ошириш бўйича юклатилган вазифаларни бажариши учун зарур маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини, Бошқарма ходимлари жойларга чиқиб текширувлар ўтказишида амалий ёрдам берилишини таъминласинлар.

11. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси в.б.



Х.Н. Хасилов